




ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz



ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ

Ҳар йили халқимизнинг эрк ва озодлик байрами – Истиқлол шодиёналари арафаларига юртимиз ижод аҳлининг "Энг улуг, энг азиз" кўрик-танловини ўтказиш мустақиллик байрамининг хайрли анъаналаридан бири бўлиб қолди. Кўни кеча Вилоят маънавият ва маърифат марказига мазкур танловнинг Вилоят босқичи якунига етиб, Ғолиб ва Совриндорлар номи эълон қилинди.



ЮРАККА ЧЎҒ СОЛАР ЮРТ МУҲАББАТИ



Шундай бўлса ҳам танловда ғолиблар бўлиши табиий. Ҳакамлар ҳайъатининг қарорига кўра биринчи ўрин бадий асарлар йўналишида "Тилим – толим" номи шеврий китоби учун беқободлик ҳасос шоир Малик Эгамга, босма оммавий ахборот воситалари ходимларининг журналистик ишлари йўналишида "Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари таҳририяти муҳбири Хуршида Турсунбоевага насиб этди. "Тасвирий ойна" ижодий уюшмасининг беэкил-дизайнери Георг Сафарян вилоятимиз кўча ва хиёбонларини безаб турган ижтимоий мавзудаги пешлавлар дизайни учун тегишли йўналиш бўйича биринчи ўринга сазовор бўлди.

Танлов кўргазмасида намоёиш этилган асарлар билан танишган киши уларнинг ҳар бирига олий ўринни бергиси келади. Негаки, уларнинг баъзиси умумий бир жиҳат – шу муқаддас юрт, муборак она заминдан фахрланиш ҳисси, Истиқлолнинг азиз ва муқаррам неъматларидан завқланиш ва шукроналик туйғуси ҳосилдир.

СУРАТЛАРДА: ижодий кўргазма барчада илиқ таассурот қолдири; танлов ғолиблари махсус дипломлар ва ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари билан тақдирландилар. Даврон АҲМАД олган суратлар.



– Мамлакатимизда матбуот, телевидение ва радио ходимлари, адабиёт ва тасвирий санъат намояндаларининг меҳнатини муносиб тақдирлаш, шу билан бирга уларни мустақиллик йилларида барча соҳа ва жаҳада қўлга киритилаётган ютуқларни, халқимиз турмушидаги, дунёқарашдаги ўзгаришларни акс эттирувчи бадий юксак асарлар яратишга рағбатлантириш мақсадида қўлаб мана шундай нуфузли танловлар ўтказилмоқда, дейди танлов ҳакамлари ҳайъати раиси ўринбосари, Ўзбекистон Халқ шоири Махмуд Тоир. – Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, "Тасвирий ойна", Журналистлар ижодий уюшмалари, Ўзбекистон уюшмасининг ҳудудий бўлиmlари мазкур танловнинг вилоят босқичини юқори савияда ўтказишга алоҳида ҳозирлик кўришгани бугунги тадбир руҳидан сезилиб турибди.

Таъкидлаш жоизки, бу йилги танловда иштирок этаётган ижодкорлар сафи анча кенгайгани, тақдим этилган материаллар сифати ва савияси юксалиб бораётгани танловга қизиқиш ортаётгани, унинг нуфузи тобора ошиб, ижодкорлар фаолиятида алоҳида ўрин тутаётганидан далolatдир. Бинобарин, энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида ўтказилган анъанавий танловда вилоятимизда яшаб ижод этаётган ёзувчи ва шоирлар, босма оммавий ахборот воситалари таҳририятлари журналистлари, телевидение ва радио ходимлари, расом ва дизайнерлар юздан зиёд ижодий ишлари билан иштирок этди.

АВГУСТ ОЙИ – ПАХТА ҲОСИЛИГА ҲОСИЛ ҚЎШАДИГАН ОЙ

КЎСАКЛАР ТЎҚ – ҲОСИЛ БЎЛИҚ

Пахта далаларида мўл ҳосил учун кураш ҳал қилувчи паллага кирди. 2701 та фермер хўжалиги деҳқонлари 285 минг тонна пахта етиштириш ниятида ҳосилга ҳосил қўшадиغان август ойида ҳар қачонгидан уюшқоқлик билан меҳнат қилапти.

Вилоятимиз пахтакорлари бу йил 100,2 минг гектар майдонда ҳосил етиштирмоқдалар. Унинг 56,4 минг гектарига ғўзанин "С-6524", 23 минг гектарига "Наманган-77" ва 18 минг гектар майдонда "Ан-Баёвут-2" ҳамда 2,8 минг гектар майдонда янги ва истиқболли навлари экилган. Баҳорда экиш техникалари отряд усулида ишлатилганлиги натижасида чигитни энг қулай муддатларда экиб, тўлиқ кўчат олишга эришилди.

Уруғлик чигитни тайёрлашда республикамиз олимлари томонидан яратилган фитовак препаратининг қўлланилиши ҳам муҳим омил бўлди. Уни ғўзанин ғўши даврида суспензия орқали ҳамда дефолиацияда янада кенг майдонларда қўллаш ҳаракатидамиз. Парвариш жараёнида агротехник тадбирлар ўз вақтида ўтказилгани тўғрисида ҳосил ўтган йиллардаги нисбатан 10-15 кун эрта етиляпти. 1997 та культиватор отряд усулида ишлатилиб, ёз бўйи ғўза қатор ораларига 7-8 марта ишлов берилди. Экин 2-3 марта минерал ўғитлар билан озиклан-тирилди. Ҳар гектар майдонга 5-6 тоннадан маҳаллий ўғит шарбат усулида 3,5-4 марта оқизилди. Бегона ўтлардан тозалаш, зараркунанда ва касалликларга қарши кураш бир кун ҳам тўхтамади. Шу кунларда ҳар гектарда ўртача 105 минг туп кўчат мавжуд

бўлиб, асосий майдонларда 10-12 тадан тўқ кўсак олишга эришилди. Чиноз, Бўка, Қуйичирчқ ва Оққўрғон туманларида ғўза айниқса браваж.

Деҳқонларимиз тўпланган ҳосилни сақлаб қолиш, ҳар туп ҳисобига 4-5 тадан кўшимча бўлиқ кўсак олиш учун август ойида парваришни кучайтиришмоқда, белгиланган агротехник тадбирлар бекум кўст амалга ошириляпти. Илғор фермер хўжаликларида культиваторлар тўлиқ ишлатилиб, шарбат усулида сўғориш давом эттириляпти. Ҳозир ғўзани бегона ўтлардан тозалаш ҳосил кўшандалари бўлган ўргимчаккана, кўсак қурти, беда қандаласи, оққанот ва бошқа зараркунанда-ларга қарши кураш бир дақиқа ҳам сўсайтирилмаслиги лозим. Мавжуд 43 та биологаторияда тайёрланган трихограмма, олтінкўз ва бракон энтомофагалари билан зараркунанда-ларга қарши биологик усулда курашиши ой охиригача давом эттирилиши керак. Бугунги кўламли меҳнат натижасида шартнома режасини ортиғи билан бажариш имкони яратилишини асло унутмаслигимиз лозим.

Аваз БОЛТАБОВЕВ, вилоят Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари.

Ўртачирчиқ туманидаги Йўнғичқалба қишлоғидаги "Янги турмуш" маҳалласида туман ҳокимлиги ва Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси вилоят кенгаши ижроия қўмитаси ҳамкорлигида "Мустақиллик аввало ўзликни англаш" мавзусида тадбир ўтказилди.

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Истиқлол йилларида эришилган ютуқлар ва уларни янада бойитишга қаратилган йиғилишда маҳалла фаоллари, партия аъзолари, депутатлар иштирок этди. Тадбир сўнгида миллий меросимиз бўлимиш халқ оғзаки ижодиёти намуналари намоёиш этилди.

Ирода НОРБОВЕВА.

ТАЖРИБА

СИФАТЛИ УРУҒЛИҚДА ГАП КЎП

Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар аҳолини сифатли сабзавот, мева, узум, полиз маҳсулотлари билан йил бўйи таъминлаш имконини бермоқда. Сабзавот ва бошоқчи донларнинг янги, ҳосилдор навларини яратиш, деҳқонларни сифатли уруғлик


билан таъминлаш йўлидаги изчил изланишлар самараси нафақат тажриба-синов участкалари, балки фермерлар далаида ҳам кўзга ташланыпти. Хориждан келтирилмаётган у ёки бу нав экин уруғлари маҳаллийлаштирилиб, улардан кўзланган ҳосил олинмоқда.

Испаниянинг "Fito Semillas" уруғчилик компанияси мутахассислари сабзавот ва бошоқчи дон экинларини республикамиз шaroитида синов кўрмоқдалар. 1880 йилда Барселона шаҳрида ташкил топган компания ҳозир дунёнинг эллиқдан ортиқ давлатларига ўз уруғчиликларини етказиб бермоқда. Хусусан, Тошкент, Қийрай, Бўка ва Зангиота туманларида чорва озуқаси учун маккажўҳори навларини синовдан ўтказмоқда.

– Ўзбекистон иқлимига маккажўҳориларимизнинг "Донана", "Боржа", "Мотаро", "Жадиз" ҳамда "Карелла" навлари жуда мос келди, – дейди компаниянинг Тошкентдаги вакили Абдулқодир Гульбаба. – Тошкент вилоятида, айниқса, тақририй экин учун "Мотаро" ва "Боржа" навларини бемалол экиш мумкин. Булар 105 кунда пишиб, гектардан 140-160 центнергача ҳосил беради. Қолган навларимизни апрель-май ойларида экиб, 126 кунда йиғиштириб ола бўлади.

Шунингдек, компания чорвачилик фермер хўжаликлари учун беданин турли навларини ҳам тажрибадан ўтказмоқда.

(Давоми 2-бетда).



МЕҲР-ОҚИБАТ, АҲИЛЛИК ВА ТОТУВЛИК АЙЁМИ

Ижтимоий ҳаётимиздаги ҳеч бир воқеа маҳалла иштирокисиз ўтмайди. Хусусан, байрамларни уюштириш ва кенг нишонлашда маҳалланин ғўри катта. Халқимизда байрамлар ва бошқа нишонланаётган саналар бисёр. Улар орасида "Маҳалла кўни" тақвимда ҳали белгиланмаган бўлсада, бир неча йилдан бунён август ойининг биринчи ўн кўни-ғида нишонлаб келинмоқда.

Ватанимиз мустақиллигининг 19 йиллиғига бағишлаб ташкил этилаётган "Маҳалла кўнлари" муносабати билан ташкилий-амалий, маданий-маърифий ҳамда ободонлаштириш тадбирлари ўтказилмоқда. Давлат мустақиллигининг ўн тўққиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги Президент қарори ижроси юзасидан "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон" эзгу ғўяси асосида ҳамда бошқа маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш режаси тузилди.

Режага асосан, вилоят ҳудудидаги 1260 та маҳалланин ғўярли барчасида шундай тадбирлар уюштирилди. Уларда таъкид шoir ва олимлар иштирок этишиб, давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурларининг аҳамияти, мустақиллик йилларидаги муҳим ўзгаришларнинг моҳияти ҳақида сўз юритилди. Юртимизга қарши ғўявий ва ахборот хуружлари, уларнинг ортида турган кучларнинг ғўярзали мақсадларини фoш қилиш, одамларни хушёрлик ва оғоҳликка даъват этиш мавзусида суҳбатлар ўтказилди. Тадбирлар якунидаги жонли мулоқотларда қатнашчилар ўзларини қизиқтирган ижтимоий-сиёсий масалалар бўйича маълумотлар олишди.

Маҳалла эзгулик, хайр-саховат тимсоли ҳамдир. "Маҳалла кўнлари" доирасида қишлоқ ва шаҳарларда яшовчи кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга ҳамда ёлғиз қариларга баҳоли қудрат моддий ва маъна-

вий кўмак кўрсатилмоқда. Зангиота туманида Зангиота, Ўзгариш, Туркистон қишлоқларидан 150 нафар маҳалла фаоллари ҳoмийлар ёрдами билан "Сўқоқ" оромгоҳида дам олишди. Шунингдек, кам таъминланган, бемор, ногирон фуқароларга Зангиота жоме масжиди ҳoмийлиғида 20 минг сўмдан моддий ёрдам ва озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Умуман олганда, туман бўйича 800 дан зиёд кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ногирон, етимлари бор оилалар ҳoлидан хабар олиниб, 7 миллион 100 минг сўмлик муруват ёрдамлари кўрсатилди.

"Маҳалла кўнлари" доирасида шунингдек, "Баркамол авлод йили" Давлат дастурини бажа-қаларида йўқотган эриш-ган маҳалла фаоллари рағбатлантириб борилди. Масалан, Чирчиқ шаҳридаги маҳалла фаоллари ҳoмийлар томонидан 275 минг сўмлик совғалар билан мукофотландилар.

Маҳаллаларда ўтказилган "Шу азиз Ватан барчамизники", "Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон", "Мустақиллик ва маънавият", "Аждодлар қаҳрамонлиғи ёшларга ибрат", "Уч авлод учра-шуви" каби мавзуларда қизиқарли тадбир ва дaвpa суҳбатлари; "Энг обод маҳалла", "Энг обод хонадон", "Энг шинам уй", "Энг намунали оила", "Энг намунали маслаҳатчи", "Энг обод кўча" каби маърифий-маънавий мавзудаги танловлар ҳам энг фаол жамоатчилик вакиллари ҳамда маҳорат соҳибларини аниқлашга хизмат қилди.

"Фуқаролар йиғини-

нинг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси", "Дўппи тикдим ипаклари тиллодан", "Уста-шоғирд анъаналарини давом эттирган ёш оила" мавзуларидаги кўрик-танловларнинг шаҳар ва туман ҳамда вилоят босқичлари ўтказилиб, ғoлиблар рағбатлантирилди. Мустақиллик арафасидаги эзгу тадбирларнинг яна бир йўналиши маҳалла аҳолиси ўртасида ўтказилган спорт мусобақалари билан чамбарчас болдик. Айниқса, футболни оммалаштириш мақсадида, 1260 та маҳалланин 11-12 ҳамда 13-14 ёшли болалардан ташкил топган жамоалари ўртасида "Футболимиз келажаги" турнирининг шаҳар ва туман ҳамда вилоят босқичлари ўтказилди. Ғoлиб бўлган 8 та маҳалла жамоалари "Маҳалла" жағармаси вилоят бўлимининг 2 миллион сўмлик кимматбаҳо совғалари ва спорт жиҳозлари билан тақдирландилар.

Бевосита "Маҳалла кўнлари" доирасида "Отам, онам ва мен", "Қим эпчил-уй, ким чақон", "Соғлом оила" спорт мусобақаларини ўтказиш эса оила миқёсида спорт ва соғлом турмуш тарзига қизиқиш шақлланишига хизмат қилмоқда.

Умуман олганда, "Маҳалла кўнлари" доирасида 547 та байрам тадбирлари ўтказилиб, 80 мингдан зиёд аҳоли иштирок этди. Республика Вазирлар Маҳкамаси, шунингдек, вилоят ҳoқимлигининг август ойида ободонлаштириш ва тозалик ойлиғи ҳамда 14-15 август кўнлари умумхалқ хайрия ҳашарини ўтказиш тўғрисидаги фармойишларини ижро этиш мақсадида "Маҳалла" жағармасининг мувофиқлаштирувчи ишчи гуруҳлари тузилди. Ойлик доирасида амалга оширилган ободонлаштириш ишлари ва бошқа вазифарлар белгилаб олинди.

Абулфайз САИДАҚАРОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

2011 йил учун

ОБУНА

бошланди
ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
газетасининг
индекси –
205.



НИГОҲ

ЁРДАМ ҚАЁҚҚА ГУМДОН БУЛАЯПТИ?

Бугунги кунда Россия шаҳарларида ишлаётган ва иш излаётган чет эллик фуқароларнинг кўпчилиги тожиклар. Шу боис у томонларда фақат бизнинг миллатдошларимиз гиеъвандлик модалари савдоси билан шуғулланишди...

Энг ёмони шуки, халқнинг кучи нон-сувга қолган мамлакатда қорни-кўзи оч тожик бошқа тожикнинг қўлидаги сўнги нонини тортиб оляпти. Халқаро "Transparency International" нодавлат ташкилоти ўзининг "Коррупция барометри - 2009" йиллик маърузасини эълон қилиб...

Давлат назорати ва коррупцияга қарши кураш агентлиги директори ўринбосари, адия генерал-майори А. Абдулхасановнинг хабар беришича, у раҳбарлик қилаётган агентлик кейинги уч йил давомида коррупция билан боғлиқ 2200 дан зиёд жиноятни аниқлади...

Асосий аҳоли камбағаллик чегараси ичида яшаётган кўпбал чекка қишлоқларда халқ фақат халқаро нодавлат ташкилотларнинг кам таъминланган аҳолига моддий ёрдам кўрсатиш ақциялари доирасидаги хайриялари ҳисобига жон сақламоқда...

Белини оғритмай бойиш пайдадаги амалдорлар оялангон қўшилари қўлидаги бурда нонни ҳам тортиб олмақдалар. Халққа шундай харомхўр ва очкузлар раҳбарлик қилишадиган экан, бизнинг эзилган юртимизда бундан буён рўшониликка умид боғлаш ноўрин.

Шоҳмузаффар ЕРОВ, Халқаро ташкилотлар бўлиши www.centrasia.ru

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

Table with 8 columns: ДУШАНБА 16, СЕШАНБА 17, ЧОРШАНБА 18, ПАЙШАНБА 19, ЖУМА 20, ШАНБА 21, ЯКШАНБА 22. Each column lists TV programs and their start times.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси

Республика Кўчас мўлк биржаси ЕАЖ бошлангич баҳоси охиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига М. Улуғбек тумани СИБ томонидан 17.05.2010 йилдаги № 1-304/10-сон ижро варақасига асосан М. Улуғбек тумани МЧЖ "Шаркли Мелиса" жараима майдончасида сакланаётган...

Республика кўп тармоқли Агротранспорт биржаси Тошкент филиали

Босқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Table with 3 columns: №, Мўлк-мулк тури, Бошлангич нархи (сўм). Lists auction items and their starting prices.

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан 2009 йил 12 октябрдаги № 10-0907/13383-сон ижро варақасига асосан АЖ "Узулгуржисавдо" корхонасига тегишли бўлган Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 7-уйда сакланаётган кўйидаги автотранспорт ва кўчас мўлк воситалари кўйилмоқда:

Table with 3 columns: №, Мўлк-мулк тури, Бошлангич нархи (сўм). Lists auction items and their starting prices.

Аукцион савдолари 2010 йилнинг 16 сентябрь кўни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади.

МАКАРОНЫ по перечислению

тел.: (998 97) 417-45-68, (998 90) 175-19-81

"Timuridi Service Group" масъулияти чекланган жамияти ташкилий-ҳуқуқий шаклини нодавлат таълим муассасасига...

Тошкент шаҳри, Миробод туманидаги 218-мактаб томонидан 1987 йилда Зайноддинов Одил Насридоджаевич номига берилган А № 365205 рақами 8-синфни тутатган йилги тўғридаги аттестат йўқлигини сабабли БЕКОР КИЛИНАДИ.

Тошкент Автомобиль йўллари институти томонидан 1980 йилда Иргашев Тўра Исакovich номига берилган (рўйхат рақами № 821) ЖБ-1 № 155151 сонли диплом йўқлигини сабабли БЕКОР КИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳар Ер тузиш, рўйхатдан ўтказиш ва кўчас мўлк кадастри хизмати давлат муассасаси томонидан Шайхонтоҳур тумани, Қ. Шамсиева кўчаси, 9-уй манзилида яшаган Хидоятлов Аббос номига берилган уй режаси йўқлигини сабабли БЕКОР КИЛИНАДИ.

Утеранный гос.ордер № 08-01/8702 на право собственности на квартиру, выданный 06.01.1993 г. хокимиятом Чиланзарского района г. Ташкента и план квартиры по адресу: Чиланзар 2-квартал, д. 72, кв. 12 на имя Хасановой Ольмас, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.

ООО "SERGELI AL-LAZIZ SAVDO" (ИНН 301095815), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Сергелийского района г. Ташкента, расположенное по адресу: Сергелийский район, массив Спутник, Ц-1, д. 2 ЛИКВИДИРУЕТСЯ (протокол собрания № 10 от 10.08.2010 г.).

Утеранное свидетельство о базовом образовании серии У № 0448132, выданный в 2003 году школой № 11 Аккурганского района Ташкентской области на имя Дё Александра Максимовича, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования объявления по адресу: Мирзо Улугбекский район, ул. Пушкина, д. 31. Тел.: 150-44-35.

Утеранный план квартиры, расположенный по адресу: г. Ташкент, Шайхантахурский район, массив Чорсу, д. 14, кв. 1, выданный Шайхантахурским БТИ на имя Абдуллаева Наими, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.

ООО "BOBUR-PRINS" Шайхантахурского района г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 32640000 сумов до 25459200 сумов в связи с выходом учредителя ОАО "ОЛМОС".

Оққўрғон туман ҳокимлиги туман ҳокими ўринбосари М. Саидуллаева акиси Исмоилжон САЙДУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Оққўрғон туман ҳокимлиги туман ҳокими ўринбосари М. Саидуллаева акиси Исмоилжон САЙДУЛЛАЕВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: ДВ 001 № 000003.

